

**ЎЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 617.55-007.43:616.2

**Рахманов Шерзод Юнусович
ВЕНТРАЛ ЧУРРАЛАР ОПЕРАЦИЯСИДАН КЕЙИНГИ ЎТКИР
НАФАС
ЕТИШМОВЧИЛИГИДА ЎПКАЛАР НОИНВАЗИВ
ВЕНТИЛЯЦИЯСИ**

Анестезиология ва реаниматология

Мутахассислиги 5А510120

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий рахбар: доц. Пардаев Ш.К.

Самарканд - 2014

МУНДАРИЖА

Шартли кискартмалар.....	3
Кириш.....	5
I-БОБ. Адабиётлар шархи.....	9
1.1. Вентрал чурраларда қорин олд деворида жаррохлик ўтказган беморларда эрта операциядан кейинги даврда нафас ва газ алмашинувида упкалар ноинвазив вентилияцияси бузилишлари ривожланиш кўрсаткичлари.....	9
1.2. Вентрал чурраларда қорин олд девори операцияси ўтказилган беморларда эрта операциядан кейинги даврда нафас ва газ алмашинувида упкалар ноинвазив вентилияцияси бузилиши ривожланишига мойиллик тугдирадиган омиллар.....	12
1.3. Ўткир нафас етишмовчилигини даволашда ноинвазив вентилияция..	17
II -БОБ.Текшириш материаллари ва усуллари.....	27
2.1. Текшириш материаллари.....	27
2.2. Текшириш усуллари	33
III -БОБ. Олинган натижалар ва уларнинг хулосаси.....	38
3.1. Беморларнинг клиник характеристикаси	38
3.2. Натижалар тахлили.....	41
Хулоса	55
Амалий тавсиялар	56
Фойдаланилган адабиётлар.	57

Шартли кискартмалар руйхати

АГ- артериал гипертензия
АКБ- артериал кон босим
АКС-абдоминал компарт синдром
ВАШ-визуаль аналогли шкала
ИАГС-интраабдоминал гипертензия синдроми
КББ-қорин бушлиги босими
КБГ-Қорин бушлиги гипентензияси
НЕ- нафас етишмовчилиги
НОС – нафас олиш сони
НХ- нафас хажми
ПТВ- протромбин вакти
ПТИ- протромбин индекс
Р ва ИТБ- реанимация ва интенсив терапия бўлими
САД- уртача артериал босим
СЎВ-сунъий ўпка вентилияцияси
ТНФ-ташки нафас функцияси
УАШ- умумий амалиёт шифокори
ЎНВ-Ўпканинг ноинвазив вентилияцияси
ЎНЕ- Ўткир нафас етишмовчилиги
УПТК-умумий периферик томирлар қаршилиги
УРДС- Ўткир респиратор дистресс синдром
УСОК-Ўпканинг сурункали обструкция касаллиги
УТС-Ўпканинг тириклик сифими
УТТ- ультратовуш текшириш
ЭКГ- электрокардиография
ЭхоЭГ- эхоэнцефалография
ЮИК-юррак ишемик касаллиги
ЮИ-юррак индекси
ЮКС- юрак кискаришлар сони
ЮКТТ- юрак кон томир тизими
ЮКХ-юррак кискариш хажми

Чет эл кискартмаларининг аббревиатураси

American Society of Anesthesiology scale- америка анестезиологлар ассоциациясининг беморнинг жисмоний ҳолатини баҳоловчи ASA шкаласи

Biphasic Positive Airway Pressure – нафас йулларига иккифаза босим билан BiPAP ёрдамчи вентиляция

Arterial Oxygen Content - артериаль CaO_2 конда кислород миқдори

Cardiac Index - юрак индекси

Continuous positive airway pressure – нафас йулларида доимий мусбат босим CPAP

RR-respiratory rate- нафас ҳаракатлари сони

IAP-intraabdominal pressure-интраабдоминал босим

VT-volume tidal-нафас ҳажми

MAP-mean arterial pressure-уртача артериал босим

SaO₂-arterial oxygen saturation-артериал қони кислород билан тўйиниши

HR-heart rate-юрак қисқаришлари сони

Venous Oxygen Content - веноз CvO_2 конда кислород миқдори

CVP Central venous pressure – марказий веноз босим

DBP Diastolic blood pressure- диастолик артериаль босим

EPAP Expiratory positive airway pressure- нафас чиқаришдаги мусбат босим

EtCO₂ End tidal CO₂- нафас чиқариш охирида углерод икки оксид концентрацияси

FA Flow assist- оқимни қўллаб қувватлаш

Кириш

Охирги 10 йиллик бошқа чет эллардаги каби Ўзбекистонда ҳам герниология бўйича катта ютуқларга эришилди. Бу биринчи навбатда операциядан кейинги катта ва гигант чурраларни даволашга тегишли. Олимларнинг маълумотларига кўра, операциядан кейинги вентрал чурралар турли лапаротомиядан кейин 5-14% ҳолатларда келиб чиқар экан (Белоконев В.И., 2000, 2002; Федоров В.Д., 2003; Адамян А.А., 2003; Гогия Б.Ш., 2003; Доброшицкая Ю.А., 2007; Bauer J.J. et al., 2002; Ivatury R., 2006). Операциядан кейинги вентрал чурралар барча қорин олдинги девори ташки чурраларининг 10-26% ни ташкил қилади, чов чурраларидан кейин 2-уринни эгаллайди (Адамян А.А. с соавт., 2006; Белоконев В.И., 2000, 2002; Тимошин А.Д., 2003; Доброшицкая Ю.А., 2007; Alexandre J., 2000; Ballantyne A., 2001; Bauer J.J., 2002). Бундай беморларни давоси ва реабилитацияси ҳозирги кунга қадар хирургиянинг мураккаб ва долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Пластиканинг таранглашмаган усулининг кириб келиши қарияларда, йулдош касаллиги бор беморларда мураккаб шаклдаги чурраларни жаррохлик йули билан даволашга курсатмасини кенгайтирди, бунда кам шикастли муолажани ва оз вақт давомидаги мусбат, тургун натижани таъминлади. Бундан ташқари, жаррохлик муолажасига янада мураккаб контингентли, семизликдан, қандли диабетдан, ўпка ва юракдаги йулдош касаллигидан азият чекаётганларни жалб этилиши, ташхислаш, операция олди тайёргарлиги, операция вақтида ва операциядан кейинги реабилитация даврида турли мутахассислар билан биргаликда комплекс ёндашишни талаб қилади.

Ўткир нафас етишмовчилигининг операциядан кейинги вентрал чурраларни жаррохлик операцияларидан кейинги даврда ривожланиши мумкин бўлган энг оғир асоратларидан биридир. Турли этиология ва патогенез туфайли ривожланган катта ва гигант чуррала беморларда ташки нафас функцияси ва ўпкадаги газ алмашишнинг бузилишлар мўжуд

бўлиб, эрта операциядан кейинги даврда чуқурлашиши мумкин. Ўткир нафас етишмовчилигининг ривожланиши ўлим курсаткичи, госпитализация муддати ва даволаш нархининг ошишига олиб келади (Федоров В.Д., 2000, 2008; Звягин А.А., 2008; Гельфанд Б.Р., 2008; Ambrosino N., 2002; Brochard L., 2003; Lawrence V.A., 2006).

Асоратлар билан кечувчи ва ўтказилган қорин олд девори пластикаси операциясидан сўнг, операциядан кейинги эрта даврда ривожланган Ўткир нафас етишмовчилигининг бартараф этиш уз вақтида аниқлаш ва компенсация қилиш билан боғлиқ. Бу муаммони ҳал этиш унинг турли қуринишларида респиратор қўллаб қувватлашни куллаш билан аниқланади. Ўпканинг ноинвазив вентилизацияси учун махсус асбобларнинг бизнинг мамлакатимизга кириб келиши, бу муаммога кизикишни янада оширди, чунки ўпка вентилизациясининг оддий, кам шикастли усулининг қўлланиши беморларни трахея интубацияси ва интубацион най орқали СЎВ ўтказиш, шунинг улар оқибатида келиб чиқадиган асоратларни олдини олишга сабаб бўлади. Бундан ташқари, ЎНВ муолажасини ўтказиш реаниматологдан катта эътибор ва қўл меҳнатни талаб этади, чунки бу усул стандартлаштирилмаган, турли тоифадаги беморларда қўлланиши учун ягона тафсия мавжуд эмас.

Ҳозирги кунда жаҳон адабиётларида катта ва гигант чурраларни жиррохлик операциясидан кейинги эрта даврда ривожланган Ўткир нафас етишмовчилигида ЎНВ нинг кулланилишидаги изланишлар ҳақидаги маълумотлар саноклини ташкил қилади.

Шундай қилиб, катта ва гигант вентрал чурралари бўлган беморларда ташки нафас функцияси ва ташки нафас функциясини бузилиши комплекс коррекциясида ЎНВ нинг оптимал тартибини излаш ва уларни урганиш, кулланилаётган изланишнинг яққоллиги ва долзарблигини аниқлаб беради. Буларнинг ҳаммаси изланишнинг мақсади ва вазифасини аниқлаб бери.

Ишнинг мақсади: Катта ва гигант вентрал чурраларни хирургик даволашдан кейин келиб чиқадиган ўткир нафас етишмовчилиги интенсив терапиясида ўпкалар ноинвазив вентилизацияси самарадорлигини ўрганиш.

Ишнинг вазифалари:

1. Катта ва гигант вентрал чурраларнинг оператив давосидан кейинги эрта даврида ривожланадиган ўткир нафас етишмовчилигининг ривожланишининг асосий механизмларини аниклаш.

2. Ўтказилган ўпкалар ноинвазив вентилизациясини самарадорлигини баҳолаш учун марказий гемодинамика ва ташки нафас функцияси кўрсаткичларини урганиш.

3. Катта ва гигант вентрал чурралар оператив давосидан кейин пайдо буладиган ЎНЕ ни даволашда ўпка ноинвазив сунъий вентилизацияси имконитини урганиш ва баҳолаш.

Илмий аҳамияти. Катта ва гигант вентрал чурралар хирургик даводан кейин ривожланган ЎНЕ да ноинвазив ўпка вентилизациясини куллаш мумкинлиги асосланди. Катта ва гигант вентрал чурралар хирургик давосидан кейин эрта операциядан кейинги даврида ривожланган ўткир нафас етишмовчилигида респиратор қўллаб қувватлаш утказишда ишлаб чиқарилган алгоритм асосида ноинвазив ўпка вентилизациясини утказишга бағишланган текшириш утказилди. Катта ва гигант вентрал чурралар хирургик давосида операциядан кейинги даврда ноинвазив ўпка вентилизациясини кулланилиши самарадорлиги ва хавфсизлиги исботланди. Бу гуруҳ беморларда нафас етишмовчилигини респиратор терапия доирасида ўпкалар ноинвазив вентилизациясини утказиш алгоритми ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти. ЎНВ гемодинамик кўрсаткичларини бузмаган ҳолда гипоксемияни йукотади, Ўпканинг биомеханик таркибини яхшилайдди, адекват ташки нафасни таъминлайди. Такдим килинган

респиратор қўллаб кувватлаш доирасида ЎНВ кулланилиши катта ва гигант вентрал чурралар хирургик даводан кейин ривожланган ЎНЕ интенсив терапиясида натижани яхшилаш ва трахея интубацияси ҳамда СЎВ ўтказганда келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга имкон беради. Визуал-аналог шкаласи бўйича нафас қулайлигини баҳолаш хавфсизлиги ва бемор учун қулайлиги нуқтаи назаридан ЎНВ ўтказишнинг мавжуд схемасини объектив баҳолашга имкон беради ва янги схемалар яратишда кулланилиши мумкин.

Ишнинг апробацияси: Диссертация материаллари СамМИ 1-сон хирургия касалликлар кафедраси ва анестезиология ва реанимотология бўлимларида намойиш этилди ва муҳокама қилинди.

Публикация: Диссертация мавзусига оид 3 та мақолалар тайёрланган ва чоп этилган.

Ишнинг структураси ва ҳажми: Диссертация ҳажми _ бетдан иборат бўлиб, унда _ та жадвал, _ та расм, _ та фойдаланилган адабиётлар рўйхати бор.

I -БОБ

Адабиётлар шархи

1.1 Вентрал чурраларда қорин олд деворида жаррохлик ўтказган беморларда эрта операциядан кейинги даврда нафас ва газ алмашинуви бузилишлари ривожланиш кўрсаткичлари.

Катта ва гигант вентрал чурралар билан операция килинган беморларда операциядан кейинги даврда кузатилиши мумкин бўлган асосий муаммолар тоза жаррохликдан ташқари, нафас, қон айланиш тизими, ошқозон-ичак тракти мотор функцияси бузилишлари ва йулдош касалликлари кузиши билан боғлиқ (Адамян А.А., 2001, 2003; Гогия Б.Ш., 2003; Дунаев В.С., 2003; Klinge U., 1998; Ballantyne A., 2001; Bauer J.J., 2002). Заричавский М.Ф.нинг вентрал чурраларнинг жаррохлик давосига бағишланган ишида эрта операциядан кейинги даврда кузатилган асоратлар купчиликда кузатилганлигини айтиб ўтган (операциядан кейинги зотилжам 21 % дан 87 % гача, ўпка-юррак етишмовчилиги 6% дан 33% гача, тромбоэмболик асоратлар 12,1% гача, ичак парези 6% дан 50% гача, ўпканинг сурункали носпецифик касалликларининг кузиши 4,8% ни ташкил қилган). Эрта операциядан кейинги даврда келиб чиқадиган аъзолардаги ўзгаришлар турли функциялар бузилишининг келиб чиқиши ва чуқурлашишига олиб келиши купгина текширишларда тасдиқланган (Несук О.М., 2003, 2006; Титова М.И., 2003; Лебедева А.Н., 2006; Доброшицкая Ю.А., 2007; Chew D.K., 2000; Bendavid R., 2001).

Қорин девори катта нуксонларнинг пластикасидан кейин ривожланадиган ўпка асоратларининг асосий сабабларидан бири операциядан кейинги гиповентиляциядир (Лихванцев В.В., 2003; Черепанин А.И., 2008; Nyhus L.M., 2001; Balique J., 2000). Гиповентиляция ўпкада қон оқими гемодинамикасини бузади, бу эса бронхитнинг кузишига ва мукоцилиар дренажнинг бузилиши ҳамда бу шароитда патоген бактериал флоранинг фаоллашиши натижасида пневмония келиб чиқишига олиб келади (Сорокина В.О., 2001; Nyhus L.M., 2001).

Макаренко Т.А нинг маълумотларига кўра, турли лапаротомиялардан 1 суткадан кейин ташки нафас функциясида кучли ўзгариш бўлади. Нафас хажми, ўпканинг тириклик сиғими, нафаснинг минутлик хажми ва ўпканинг минутлик вентилиацияси мавжуд даражадан 72%,24%,62,4%, ва 20% гача камаяди. Қорин бушлиги аъзоларидаги операцияларда нафас биомеханикаси ўпка вентилиацияси ва газ алмашинуви бузилишлари сезиларли келиб чиқади, бу эса ўткир нафас, юрак, коронар етишмовчилик, пневмония, ателектаз ривожланишига олиб келиши тугрисида бир катор олимлар уз ишларида мисоллар келтиришган (Герцен А.В. 2001, ,Nyhus L.M., 2001 Ахунбаев А.К) катта чурраларни аллопластик протезлаш операциясидан 1-2 ойдан сўнг нафас хажми 1,7% га, ўпканинг тириклик сиғими 19% га камайганлигини айтиб утган. 3-4 ой утгандан кейин ташки нафас кўрсаткичлари тенглаша бошлади, кузатувларнинг 3 чи йилида нафас чуқурлиги 101,9% га, ўпканинг тириклик сиғими 89% га етган. Можаяев Г.А. маълумотларига кўра, кекса ва қари ёшдаги беморларда катта вентрал чурра операциясидан кейин 1- суткасида ташки нафаснинг куйидаги бузилишлари кузатилган: нафас сонининг ошиши, ўпка тириклик сиғимининг камайиши, нафаснинг минутлик хажмининг камайиши. 9-10чи суткаларда ташки нафас кўрсаткичлари операциягача бўлган ҳолатга яқинлашган. Шехонин Д.А. катта ва гигант вентрал чурраларни операциядан кейинги ташки нафас функцияси маълумотларини операциягача бўлган кўрсаткичлари билан солиштирди: операциядан сўнг 1-суткада ўпканинг тириклик сиғими 63,5%дан 20,3%гача камайган, нафаснинг минутлик хажми операциягача бўлганидан кам фарқ қилган, бироқ нафас олиш сони 10.8% дан 18.6% гача ошган, нафас хажми 91% дан 54,5% га пасайган. Ташки нафас бузилишининг яққол қуриниши бошлангич нафас биомеханикаси бузилиши бўлган ва эпигастрал соҳада жойлашган чурраларда кузатилади.

Кўпинча ўткир ўпка-юрак етишмовчилиги ривожланиш ҳавфи аниқланади, бунинг бевосита келиб чиқиш сабаби тусатдан ва тургун

қорин ичи босимининг ошиши ҳамда огрик синдромидир. Юрак кон томир системаси томонидан асоратларнинг келиб чиқиши эрта операциядан кейинги даврда келиб чиққан қорин ички босимининг ошиши таъсирида «кардиогемодинамиканинг энергетик фойдасиз» ҳолатининг юзага келиши билан боғлиқ (Бойко В.В., 2003; Несук О.М., 2003, 2006; Гогия Б.Ш., 2006; Черняева Н.А., 2006; Nyhus LM., 2001; Balique J., 2000).

Қорин бушлигидаги жаррохлик муолажаси ичаклар парезининг ривожланишига ҳам олиб келади. Операциядан кейинги вентрал чурраларда бажариладиган чуррани кесиш ва қорин олд девори пластикаси кўпинча ичак парезига кейинчалик «чурра халта битишмаларининг ечилиши ва қорин ички босимининг кескин ошиши» нинг чуқурлашишига олиб келади (Казенное В.В., 2006; Chew D.K., 2000; Bendavid R., 2001). Кон ивиш тизимининг гиперкоагуляцион ҳолатида абдоминал босимнинг ошиши таъсирида тромбозлиқ асоратларнинг хавфи ошади (Титова М.И. ,2003). Бирок операциядан кейинги чурралар буйича ўтказилган режали операциядан сўнг ўлим паст ва бу купчилик муаллифларнинг маълумотларига кўра 0,66-8,9% ни ташкил этади (Адамян А.А., 2003; Alexandre J., 2000;Ballantyne A., 2001; Bauer J.J., 2002).

Юкорида айтиб утилганлардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин, қорин олд девори пластикаси ва эрта операциядан кейинги давр уртасида, асосан ташки нафас ва ўпкада газ алмашинуви бузилишларида мустахкам боғлиқлик бор. Нафас бузилишларининг ривожланишини тушуниш учун бу беморларда мавжуд патологик жараённинг ривожланишига мойил омил борасида ҳам тухталиш лозим. Соғлом одамлар учун умуман сезиларсиз бўлган бу ҳолат абдоминал операциядан кейин эрта даврда ва асосан катта ва гигант операциядан сўнгги вентрал чурраларни жаррохлик давосидан кейин жуда муҳим уринга кутарилади.

1.2 Вентрал чурраларда қорин олд девори операцияси ўтказилган беморларда эрта операциядан кейинги даврда нафас ва газ

алмашинуви бўзилиши ривожланишига мойиллик тугдирадиган омиллар.

ЎНЕ ривожланиши купгина сабаблар билан боғлиқ: операциягача бўлган нафас патологиясининг кузиши, операцион стресс, кон йукотиш, кон компонентларини куйиш, операциядан кейинги ОИТ парези, ИАГ нинг ошиши (Федоров В.Д., 2000, 2008; Звягин А.А., 2008; Гельфанд Б.Р., 2008; Ambrosino N., 2002; Brochard L., 2003).

Операциядан кейинги ўпка асоратлари, юрак асоратлари каби куп учрайди ва анестезия ва жаррохлик муолажасининг мухим хавф омили хисобланади. Купчилик олимларнинг текшириш (Raju P., 2000) натижалари шуни курсатдики, ўпка асоратлари бўлган беморлар юрак асоратлари бўлган беморларга нисбатан стационарда уртача 12 кун булишни талаб киларкан.

Периоперацион ўпка физиологияси: операциядан кейинги ўпка асоратларининг кузатилиши анестезия ва жаррохлик муолажасининг самарадорлигига боғлиқ. Ингаляцион анестетиклар ўпка хажмини камайтиради. Абдоминал муолажадан кейин беморларда операция олди даврдагига нисбатан функционал колдик хажми операциядан кейин 31% гача камаяди (Гриппи М. А., 2001). Бошка текширишларда эса абдоминал операциядан 1 кундан кегин ўпканинг форсирланган тириклик сиғими операциядан олдинги даражадан 41% ни ташкил этган (Raju P., 2000). Ўпканинг хажмининг камайиши рестриктив шаклга утади ва ателектаз ривожланишига олиб келади, бу эса операциядан кейинги ўпка асоратлари ривожланишининг асосий омили хисобланади. Диафрагма функциясининг пасайишига ҳам уз навбатида қорин ичи операцияларидан кейин ўпка хажмининг камайишига олиб келадиган сабаб сифатида каралади (Бойко В.В., 2003; Raju P., 2000). Ингаляцион анестетиклар гипоксемия ва гиперкапнияга жавоб реакциясини пасайтиради ва мукоцилиар тозалашнинг камайишига олиб келади. Операциядан кейинги ўпка

асоратлари ривожланишнинг хавф омилига муолажанинг узи билан боғлиқ бўлгандек, бемор билан ҳам боғлиқ.

Адабиётларда маълум 1 ёшни хавф омили сифатида курсатишади, лекин буларнинг купчилигида кекса ёшда учрайдиган йулдош касалликлар ҳисобга олинмаган. 80 ёшдан катта беморлар орасида хирургик окибатлар кенг урганилган (Raju P., 2000). ASA class 2 хавфи баҳоланган беморларда ўлим даражаси 1 % дан кам бўлган. Ўлимга олиб келган сабабларни купчилиги миокард инфаркти бўлган. Бундан шу маълум буладикки, кекса ёшда анестезия хавфи йулдош касаллик таъсири билан боғлиқ.

Семизлик. Купгина карама-карши фикрлар, охирги текширишлар шуни курсатдики, семизлик операциядан кейинги ўпка асоратлари ривожланиши учун хавф омили ҳисобланади. Маълумотлар шуни курсатдики, операциядан кейинги асоратлар семизлиги бор ва йук бўлган беморларда ҳам 20% ни ташкил қилади. (Raju P. 2000). 2964 беморда ўтказилган режали нокардиал хирургиядан кейин ўпка асоратларининг ривожланишига семизлик таъсирини кузатмаган. Бошқа текширишлар шуни курсатдики, лапороскопик холецистэктомиядан кейин ўпка асоратларининг ривожланишида семизлик хавф омили булмаган.

Функционал статус. Соғлиқнинг умумий ҳолати операциядан кейинги ўпка асоратларнинг прогнози ҳисобланади. ASA class > 2 хавфнинг ошишини курсатади. Жисмоний зуриқишни ёмон утказиш ҳам хавфнинг ошишини билдиради.

Чекиш. Чекиш операциядан кейинги ўпка асоратларининг хавфини 3 марта оширади ва ҳатто сурункали ўпка касаллиги аниқланмаган беморларда ҳам хавф омили ҳисобланади. Операция олди курикда бемор билан чекишни тухтатиш саволини куриб чиқиш керак. 2 проспектив текширишлар шуни курсатдики, операциядан 1-2 ой олдин чекишни ташлаган ё қамайтирган беморларда ўпка асоратларининг ривожланиш хавфи чекишни давом эттирганларга нисбатан янада ошган (Бойко В.В., 2003; Raju P. ,2000, Авдеев.С.Н.2005). Мазкур ҳолатда ўпка асоратлари

хавфининг ошишининг сабаби чекишни тухтатгандан кейин балгам ишлаб чиқаришни ошиши ҳисобланади. Операциядан 2 ойдан кўп вақт олдин чекишни ташлаганларда чекишни давом эттирганларга нисбатан ўпка асоратларининг ривожланиш хавфи камайганлиги кузатишган.

Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги. Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги операциядан кейинги ўпка асоратлари ривожланишининг асосий хавф омилidir. Бу касалликларнинг яққоллигига қарамадан нисбий хавф 2,7 дан 4,7% гача ни ташкил этади (Гриппи М. А., 2001, Авдеев С.Н., 2008). Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги бор беморларда одатда кузатиладиган физик маълумотлар: нафас шовқини сусайган, нафас чиқиши узок, хириллаш ва хансираш. Бу белгиларнинг ҳар бири абдоминал муолажадан кейинги беморларда ўпка асоратлари ривожланиш эҳтимолини 6 марта оширади (Raju P. ,2000). Нозокомиал пневмония (НП)- юқумли касалликлар шифохонасида кўп учрайдиган касалликлардан биридир. Нозокомиал пневмонияни келтириб чиқарувчи омиллардан бири ўпка сурункали обструктив касаллигидир (Чучалин А.Г., Авдеев С.Е., Баймаканов Г.Е., Зубаирова Е.А.Пульмонология 2010-№4 с 58-65). Операция билан боғлиқ омиллар операциядан кейин ўпка асоратларининг ривожланишида катта даражада масъулдир. Улар юрак асоратларидан яхши маълум хавф омилларидан фаркланади ва қуйидагилар қиради: операция жойи, операция давомийлиги, анестезия ва фойдаланилган миорелаксантлар тури.

Операция жойи. Муолажа утқизиш жойи-операциядан кейинги ўпка асоратлари ривожланишига шароит тугдирадиган асосий омилдир. Диафрагмадан утувчи кесмалар хавфни оширади. Юқори абдоминал ва торакал муолажаларда хавф юқори. Асоратлар даражаси 10-40% ни ташкил этади (Raju P. ,2000). Пастки абдоминал операцияларда хавф 5 дан 15 % гача бўлади. Абдоминал операциялардан кейин ўпка асоратларининг юқори хавфи диафрагмал дисфункция ривожланиши билан боғлиқ. Хатто

кукрак ва қориндан ташкари операцияларда ҳам юкори хавфдаги беморларда ўпка асоратларининг ривожланиш хавфи пастлиги билан фаркланади(Ахмадеев Р.Р., Баялиева А.Ж., Пашеев А.В., Шпанер Р.Я ., 2010).

Лапароскопик абдоминал хирургияда ўпка асоратлари хавфи очик қорин операцияларига нисбатан сезиларли кам. Текширишлардан бирида, лапароскопик операциялардан кейин ривожланган ўпка асоратлари 0,3% ни ташкил қилган.

Операция давомийлиги. Операциядан кейинги юрак асоратларининг ривожланишида муҳим омил булмасада, бироқ 3 соатдан куп давом этган операция ўпка асоратлари ривожланиш хавфини оширади. Операция столидаги ҳолат нотенг маҳаллий ўпка вентилизациясига, вентилицион-перфузион нотенгликнинг ошиши ва ўпка соҳаларининг ателектазига олиб келади.

Анестезия тури. Анестезия турининг таъсири борасидаги маълумотлар жуда қарама-қарши. Шундай булсада куп текширишлар шуни кўрсатдики, спинал ва эпидурал анестезияда ўпка асоратларининг ривожланиш хавфи умумий анестезия билан солиштирганда кам фаркланади. Миорелаксантларни қўллаш бўйича яқинда ўтказилган текширишда узок таъсирга эга бўлган дори воситаси панкурониум қисқа таъсирли атракуриум ёки векурониумга нисбатан нерв-мушак блокадаси узоклиги ва катта ўпка асоратлари билан кечиши аниқланган.

Қорин ички босимининг ошиши диафрагма қўтарилишига олиб келади (Грубник В.В. ,2001; Жебровский В.В. ,2002, 2003; Демин С.А. ,2006; Kirkpatrick A.W. ,2006) . Диафрагманинг юкорида туриши нафас системасининг умумий функциясига таъсир қилади. Қорин ички босимининг ошиши деярли барча аъзо ва тизимлар фаолиятининг бузилишига олиб келади. Патогенезида ривожланишнинг қуйидаги босқичларини ажратиш мумкин: 1) Марказий ва тизимли гемодинамиканинг бузилиши. 2) Нафас бузилиши. 3) ички аъзолар

зарарланиши. Кон айланиш тизими нафас ва аъзоларда сезиларли ўзгаришлар булмаган ҳолатда ҳам қорин бушлигида босим ошишини дарҳол сезади. Умумий периферик томирлар қаршилиги ошади, юракнинг қисқариш ҳажми ва юракка веноз қон келиши камаёди.

Қисқариш ҳажмининг камайиш синдромидаги каби нисбий гиповолемия клиник тасвири кузатилади (Кожемяцкий В.М., 2003).

Юқорида келтирилганларнинг барчаси нафас биомеханикасининг ёмонлашиши (ёрдамчи мушаклар жалб этилиши, нафаснинг қислородга эҳтиёжининг ошиши) га, ўткир нафас етишмовчилигининг тез усишига олиб келади ва бемор бошланғич босқичлардаёқ респиратор қўллаб қувватлашга муҳтож бўлади (Кондратиенко Б.И., 2003; Malbrain M., 2000, 2001). Ички аъзолар перфузиясининг ёмонлашиши биринчи навбатда қайтар дисфункцияга, кейинчалик эса полиорган етишмовчилик синдромига олиб келади. Интраабдоминал гипертензиянинг яширин кечишида буйраклар зарарланиб, ўткир буйрак етишмовчилиги келиб чиқади (Kharitonov S.V., 2007).

1.3 Ўткир нафас етишмовчилигини даволашда ноинвазив вентилляция

Операциядан кейин ЎНЕ ривожланган беморларга анъанага кўра қислородотерапия, бронхолитиклар, антибиотиклар, балғам қучирувчилар тайинланади. Бироқ қупчилик ҳолларда ўтказилган даво қўтилган натижани бермайди. Ўтказилган даводан самара бўлмаганда, даволашдаги кейинги қадам трахея интубацияси ва турли режимларда СЎВ ўтказиш ҳисобланади. СЎВ имкониятларини баҳоламасдан, унинг аъзо ва тизимларга етказиши мумкин бўлган салбий таъсирларини, бу усул билан ўтказилган респиратор даво оқибатида юзага келадиган асоратлар (нозокомиал пневмония, синуситлар, ҳикилдок ва трахея стенозлари, ЮНЎ ларидан қон кетиши ва стенози) ни камайтириш имконини топиш керак (Кассиль В.Л. 2000, 2001; Petty T.Y. 2001, 2003; Antonelli M., 2007).

СЎВ нинг инфекцион ва механик асоратларини камайтиришга имкон берадиган усуллардан бири юз никоби оркали утказиладиган ЎНВ хисобланади (Авдеев С.Н. ,2007; Ляпунов А.В., 2001; Brochard L. ,2002). Бундан ташқари, седатив дори воситалари ва миорелаксантлари кулланилиши шарт эмаслиги, кондицирланган ҳаво аралашмасининг физиологик механизмларининг сақланиши, респиратордан нисбатан осон узиш мумкинлиги ЎНВ нинг узишга хос хусусиятлари хисобланади (Еременко А.А., 2001; Brochard L. ,2002). Охириги 10 йилликда ЎНВ ЎНЕ ни даволовчи бир қатор методлар ичида муҳим уринни эгаллади (Еременко А.А. ,2004; Antonelli M. ,2007).

Қўпгина олимларнинг маълумотларига кўра ЎНВ муваффақияти, трахея интубациясига шарт эмаслиги билан, 70-80% ни ташкил қилади (Казенное В.В. ,2004; Гельфанд Б.Р. ,2000; Авдеев С.Н. ,2009).

Қорин бушлигида операция ўтказилган беморларда нафас етишмовчилигини ривожланиши вентилятор, паренхиматоз ва аралаш хусусиятга эга. ЎНВ утказиш учун усқуналарни замонавийлаштирилиши респиратор қўллаб қувватлашни нафакат вентилятор, балки, аввал самарасиз деб хисобланган, паренхиматоз нафас етишмовчилигида куллаш имконини яратди (Авдеев С.Н., 2005; Nava S. ,2005; Гельфанд Б.Р., 2008; Antonelli M. ,2007; Ambrosino N. and Vagheggini G., 2008; Brochard L. ,2009).

Ҳозирги кунда ўпка сунъий вентиляцияси (СЎВ) критик ҳолатдаги беморларни нафас функциясини ушлаб турувчи асосий усул хисобланади. СЎВ усқулининг муқаммаллаштирилиши операциядан кейинги ўлимни пасайтиради. Охириги йилларда сунъий ўпка вентиляциясининг альтернатив методини, яъни ўпкалар ноинвазив вентиляцияси (ЎНВ) ни куллашга катта қизиқиш билдиришмоқда (Nava S., 2006,2009). Интенсив даво утказиш амалиётида эндотрахеал най оркали СЎВ утказиш асос бўлиб қолган. Бироқ трахея интубацияси мураккаб инвазив муолажа бўлиб, қуйидаги асоратларга олиб қелиши мумкин: огиз бушлиги, ҳалқум, овоз

бойламлари, хикилдок шиллик каватининг зараланиши, тишларни синиши ва экстракцияси. Эндотрахеал найни куллаганда трахея, овоз бойламлари ётоқ яраси, нозокомиал зотилжам, стоматит, синусит келиб чиқиши мумкин (Avdeev S.N., 2004; Rossi R., 1998; Conti G., 2002). Шубҳасиз бу асоратлар ўткир нафас етишмовчилигининг бўлган беморларда ёмон оқибатларга олиб келувчи мавжуд асосдир. Узок вақт СЎВ да бўлган беморларда янги муаммо- респиратордан «нурланиш» билан тукнашиш мумкин. ЎНЕ бўлган баъзи беморларда самарали респиратор қўллаб кувватлашни эндотрахеал ёки трахеостомик найни кулламасдан таъминлаш имкони мавжуд. Мазкур усул ўпкалар ноинвазив вентилизацияси номини олган.

Юз никоби билан ЎНВ 1-марта америкалик шифокорлар Poulton E.P. ва Barach A.E. томонидан кардиоген ўпка шишини нафас йулига доимий мусбат босим билан мустақил нафас бериш усули ёрдамида даволаш жараёнида ишлатишган. Бирок бу уша йилларда кенг тарқалмаган. Факатгина 60- йилларнинг охири, асосан XX асрнинг 80-йилларида бу усул 2- марта яралди. Campbell E.J.M. маска оркали вентилизацияни сурункали бронхит ва ўпка эмфиземаси фонида УНЕ бўлган беморларда куллашни тавсия этган. Sullivan C.E. уйкусида апное кузатилган беморларда ЎНВ да куллаш учун қулай ва зич ёпиладиган никобларни амалиётга татбиқ этишди. ЎНВ кенг кулланилиши нерв-мушак касалликлари бўлган беморларда узок респиратор қўллаб – кувватлашларни утказишда уз урнини топди (Antonelli M., 2000, 2001, 2004).

Ўткир нафас етишмовчилиги бўлган беморларда газ алмашинуви кўрсаткичларини коррекция қилишда респиратор қўллаб кувватлашнинг шу турдаги қурилишининг кулланилиши ЎНВ ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди (Brochard L. et al. 2002; Masip J. et al., 2005. A.C. Сметнева ва В.М.Юревича). монографияси респиратор терапия қурилишларига бағишланиб, уз ичига катта ҳажмдаги ёрдамчи СЎВ

усуллари, шунингдек ЎНВ ни ҳам олган. (Еременко А.А., 2004, Казеннов В.В., Амеров Д.Б., Шишкин М.Н., Канафин Г.М., Шацкова О.В.2010. Казеннов В.В.,2001, Грачев С.П., 2007) лар кардиохирургик беморларда юрак-ўпка етишмовчилигини даволашда ЎНВ ни куллашган. Бу эса (Левигов Д.И.2003) нинг кардиохирургик беморларда операциядан кейин Ўткир нафас етишмовчилигида ноинвазив никобли ўпка вентилизациясини қўлланишига багишланган ишида уз исботини топди. (Авдеев С.Н., 2004,Айзенб ерг Л.В., 2005) уз изланишларида ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг кузиш фонидаги ЎНЕ даволашда ЎНВ куллашда мусбат натижаларни курсатдилар. Валетова В.В ЎНЕ бўлган беморларда мусбат босим билан ноинвазив ёрдамчи ўпка вентилизацияси муваффақиятли ўтказгани тугрисида хабар берган. ЎРДС нинг тузалиш даврида бўлган беморларда узок СЎВ ўтказилганда, шунингдек ателектаз ва юрак-ўпка етишмовчилигида келиб чиккан нафас етишмовчилигида ЎНВ кулланилганлиги тугрисидаги далиллар кам сонлив ва тулик эмас (Казеннов В.В. ,2007, 2008; Kindgen-Milles D. ,2000). Бу далиллар ЎНВ га кизиқишни кучайтирди.

Ноинвазив ўпка вентилизациясининг физиологик самараси.

(Brochard L., 2002) нинг ЎНЕ бўлган ЎСОК бор беморларда физиологик курсаткичларни босим остида ушлаб туришга ЎНВ таъсирини урганишга багишланган текширишлари шуни курсатдики, ЎНВ нафас мушаклари кисман зуриктирмаслик имкониятига эга экан. Ноинвазив респиратор қўлаб кувватлаш нафас хажмининг ошиши, нафас олиш сонининг камайиши ва газ алмашинув кўрсаткичларини яхшиланишини таъминлаган. Бир катор илмий ишларда (Bellone A. ,2002, 2004; Bendjelid K. ,2005) ўткир ва сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда ЎНВ юрак кискариш хажмини оширганлиги, митрал регургитация ва ўпка капиллярлари босимининг пасайтирганлиги, чап қоринчанинг диастолик улчамини камайтирганлиги курсатилган. Naughton ЎНВ кукрак кафасида манфий инспиратор босим амплитудасини пасайтириш оркали чап

қоринчанинг трансмурал босим пасайишига олиб келиши курсатилган. Ўпка шишида ЎНВ мусбат самараси нафакат чап қоринчанинг систолик дисфункцияси, балки чап қоринчанинг диастолик дисфункциясида ҳам кузатилган (Bendjelid K. ,2005). Шуни таъкидлаш керакки, мазкур патологияда ноинвазив вентиляция даволашда канчалик муҳим бўлса, ўпка шишини сундиришда, газ алмашинувини ушлаб туришда ҳам шунчалик аҳамиятга эга. Бошқа томондан эса, ўпка шишида кукрак ичи босимини оширадиган ҳар қандай усул ўпкада томирдан ташқаридаги суюқликнинг камайишига олиб келади.

Ноинвазив ўпка вентиляциясининг инвазив СЎВ дан фарқи .

Ўпкалар ноинвазив вентиляцияси аллақачон анъанавий бўлиб қолган СЎВ каби узига хос хусусиятларга эга, бу ҳақда бу муаммо билан шугулланаётган барча шифокорлар ёзишган. Ноинвазив респиратор қўллаб қувватлашнинг эндотрахеал ёки трахеостомик най орқали ўпка вентиляциясидан "принципиал" фарқи, қўп олимларнинг фикрича, ҳаво аралашмасининг узатилишидир. Бу эса уз навбатида, етказилган нафас ҳажми ва минутлик вентиляция уларни самарали улчамга кутаради (Марченков Ю.В. ,2000, 2004; Левиқов Д.И., 2003; Лобус Т.В., 2005; Mehta S. ,2001). Ҳаддан зиёд қўп ҳавонинг чиқиши самарасиз ЎНВ нинг сабаби бўлиши мумкин. Ҳаво чиқишининг асосий манбаи сифатида маска ва беморнинг юзи бир бирига теккан жойи, ҳамда беморнинг очик оғзи қаралади. Маска теккан соҳадан ҳаво чиқиши маска остидаги юқори босим билан боғлиқ, бу эса бемор ва респираторнинг нафас циклининг дискоординацияси оқибатидир. Ҳаво чиқиши маска остида қаст босим бўлганда ҳам юзага келиши мумкин, яъни бунда лаб сфинктерининг ноодатий ҳолати ёки юқори фарингиал босим оқибатида, масалан, ҳикилдокнинг тулик очилиши бўлган ҳолатлардир (Еременко А.А. ,2004; Авдеев С.Н. ,2008; Галстян Г.М. ,2001).

Иккинчи ва муҳим қўшимча томони, ЎНВ вақтида юқори нафас йўллари, асосан респиратор ва ўпка уртасидаги ҳикилдок томонидан

бўлган динамик каршилиқдир . Бу гуруҳ муаллифлар шуни курсатишдики, Jounieaux V. аввал ёзиб утганидек, ЎНВ ўтказилганда юткун тешиги ўпка вентиляциясини самарадорлигини бошқаришда асосий омил эканлигини курсатиб ўтишган. Барча бу хусусиятлар ноинвазив нафас қўллаб қувватлашга ёндашиш муҳим аҳамиятга эга, бунинг учун ҳаво чиқиш ҳажми, «етказилувчи» ва «самарали» минутлик вентиляция нисбати, ўйку ёки ўйғоклик фазалари нисбати талаб қилинади.

Ўпкалар ноинвазив вентиляцияси режимлари

ЎНЕ бўлган беморларда ЎНВ нинг қуйидаги режимлари қўлланилади:

- нафас йулига мусбат босим билан мустақил нафас бериш (*continuous positive airway pressure* — CPAP). CPAP режими ўйкудаги обструктив апноэси , кардиоген ўпка шиши (Gunduz M. ,2005), операциядан кейинги ЎНЕ (Gunduz M. ,2005; Squadrone V. ,2005) бўлган беморларни даволашда асосий режим сифатида қўлланилади.

Вентиляция ёрдамчи режимлардан бири PSV дир. Бу режимда бемордаги қучайган нафасга респиратор жавоб сифатида нафас йулида босимнинг белгиланган даражасини ҳосил қилади, натижада инспиратор оқим пасайганда нафас олиш маълум даражагача тухтайди. PSV режимининг муҳим томони беморни нафаси билан респираторнинг синхрон иши бўлиб, қушимча нафас қулайлигини таъминлайди. BiPAP режими максадига кўра PSV режимидан фарқ қилмайди: нафас йулидаги экспиратор босим(EPAP) нафас чиқиш охиридаги мусбат босим(PEEP) га, нафас йулидаги инспиратор босим(IPAP) эса, PEEP и PSV йиғиндисига мос келади.

Бундан ташқари, ҳажм бўйича регуляцияни ёрдамчи қўлатуви (*volume-cycled assisted /controlled ventilation* — ACV), пропорционал ёрдамчи вентиляция (*proportional assist-ventilation* — PAV) қўлланилади. Ҳар бир режим ўзига хос хусусият ва устунлигига эга бўлсада, бу режимларнинг ҳеч бирининг ўзига хос самарадорлиги аниқланмаган.

Босимни бошқарувчи вентиляция режимлари хаво чиқишини компенсация қилишга имкон беради, шу билан бир вақтда ҳажмни бошқарувчи режимлар нафас нафас тизимининг механик тартиби (қаршилик ва босим) нинг ўзгаришига қарамадан ўпканинг тургун вентиляциясини таъминлайди. (Авдеев С.Н. ,2005; Казенное В.В. ,2006; Brochard L, 2002; Mehta S. ,2001).

(Авдеев С.Н. 2005) узининг ўтказган текширишлари асосида ЎНВнинг хусусиятлари ва етишмовчилигини келтириб ўтди. Ҳар бир режимнинг узига хос хусусиятлари аниқланмаган, бироқ улардан ҳар бири ўз ўстунлиги ва қамчиликларига эга.

ЎНЕ бўлган беморларда ЎНВ ўтказишга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.

(Copia A., 2000). ЎНВ ўтказишга курсатма ва қарши курсатмаларни гуруҳларга ажратган. Муаммолар шуни курсатдики, ЎНВ гиперкапник ва гипоксик ЎНЕ бўлган беморларда муваффақият билан қўлланилади. ЎНВ ўтказишга муносиб номзодларга ҳаёт учун хавфли асоратлари бўлгани учун оддий СЎВ қўлланилиши имкони бўлмаган, асосан ЎСОК бўлган, ўпка касалликлари терминал босқичида, иммун танқислиги ҳолатидаги беморлар қиради. Бундан ташқари, ўпкадаги патологик жараённинг ривожланиш ва тузалиш ҳажмини ҳам ҳисобга олиш муҳим. Масалан ўпка шишида ЎНЕ бир неча минут давомида ривожланади, самарали даволаш билан ЎНЕ ривожланиши орқага қайтиши сезиларли тез кузатилади, Ўпканинг паренхиматоз касалликлари: оғир пневмония, ЎРДС да ЎНЕ ҳал бўлиш жараёни учун узокроқ муддат (7-14 кундан кўп вақт) талаб этилади. ЎНВ нинг самарадорлиги одатда аста ривожланадиган ўпка касалликларидаги ЎНЕ да паст. Нафас олишда ёрдамчи мушаклар иштироки, абдоминал парадокс, тинч ҳолатда хансираш $RR > 25$ та минутига ЎНВ ўтказишга курсатма ҳисобланади.

ЎНВ қуйидаги ҳолатларда қўлланилмайди:

- нафас тухташи.

- ностабил гемодинамика (тургун гипотония, ритмнинг бошқариб булмайдиган бузилиши).

- нафас йулларини химоялаш имкони йуклиги (йутал рефлексии ва ютинишнинг бузилиши)

- бронхиал секрециянинг хаддан зиёдлиги

- хушнинг бузилиши (ажитация ёки суниши), беморнинг тиббий ходим билан ҳамкорлик қилиш имконияти йуклиги.

- юз шикасти, қуйиш, маска қуйишга тускинлик қилувчи анатомик ҳолатлар.

Келтирилган адабиётлар тупламидан қуринадики, катта ва гигант вентрал чурра билан операция қилинган беморларда ўпкалар ноинвазив вентилизациясини қўллашга бағишланган текширишлар кам сони ташкил қилади. Катта ва гигант вентрал чурра билан операция қилинган беморларда операциядан кейинги даврда ривожланган ЎНЕ интенсив терапиясида ўпкалар ноинвазив вентилизациясининг қўлланилишидаги патогенетик асосланган профилактик ва даволаш схемалари ҳозирги кунгача етарлича ишлаб чиқилмаган.

Асосий тушунча ва мезонлар

ЎНЕ га қуйидаги клиник белгилар асосида ташхис қўйилади: хансираш, цианоз, нафас мушакларини зуриқиш белгилари ва уларнинг дисфункцияси, ЧДД, рухий статус ва хушнинг даражасини баҳолаш, ЮКС, юрак ритмининг бузилиши борлиги ёки йуклиги, артериал қон қосим даражаси.

ЎНЕ оғирлигини баҳолаш учун (Т.М. Зубика, Огорокову А.Н., 2000) бўйича қитта нинг клиник таснифидан фойдаланилди. Унда ЎНЕ 4 босқичга ажратилган:

1. босқич (бошлангич) — яққол клиник белгиларга эга бўлмасдан, яширин кечади. Унинг асосий белгилар- нафаснинг тезлашиши, хансираш ва озгина жисмоний зуриқишда нафас етишмовчилиги хиссининг пайдо бўлиши.

2. боскич (субкомпенсация) — тинч ҳолатда хансираш, доимий нафас етишмовчилик хисси, нафас олишда ёрдамчи мушаклар иштирок этиши, лаблар, тирнок ости соҳаси цианози, тахикардия, артериал кон босим ошишига мойиллик, ваҳима ва безовталиқ хисси билан характерланади.

3. боскич (декомпенсация) — хансирашнинг кескин кучайиши, беморнинг мажбурий ҳолати, ёрдамчи нафас мушакларининг яққол иштироки, бугилиш хисси, психомотор кузгалувчанлик, тахикардия, таркалган цианоз белгилари билан намоён бўлади.

4. боскич (терминал) — қуйидаги белгиларга эга бўлади:

- хушнинг комагача суниши, қўпинча бош миянинг гипоксемик шиши ривожланади;
- таркалган цианоз, тери совуқ, ёпишқоқ тер билан қопланади;
- тезлашган, юзаки, аритмик нафас, Чейн-Стокс ёки Биот нафасининг пайдо бўлиши, ацидоз ривожланганда — Куссмаул нафасининг пайдо бўлиши;
- ипсимон пульс, бемор ҳаётига ҳавф солувчи аритмия
- артериал гипотензия;
- трахеобронхиал секрециянинг сезиларли ошиши, бронхлар шиллик қаватининг шишиши, нафас йулларининг экспиратор ёпилиш синдромининг ривожланиши;

СНЕ клиника-анамнестик маълумотлар ва А.Г. Дембо и Л.Л. Либермана таснифига асосланган ҳолда баҳоланди:

СНЕ фонида ЎНЕ мезонлари қуйидагилар:

1. хансирашнинг кучайиши;
2. йутал ва балғам хусусиятининг ўзгариши;
3. терлаш;
4. НОС 25 та/мин дан қўп;
5. тахикардия, аритмия;

6. цианоз;
7. нафасда ёрдамчи мушаклар иштироки;
8. хуш даражасининг бузилиши;
9. $SpO_2 < 88\%$;

Нафас мушаклари зурикишининг ошиши белгилари куйидагилар: ҳисобланади: ёпик лаблардан нафас чиқиши, нафас олганда ковургалар орасининг тортилиши, «респиратор пульс» - нафас актида буйин ёрдамчи мушакларининг катнашиши, Гувер белгиси — кукрак кафаси пастки қисмларининг инспиратор тортилиши, Кэмбелл белгиси – трахеянинг инспиратор қискариши. Нафас мушакларининг дисфункцияси (чарчаши ва ҳолсизлиши) ривожланаётган ЎНЕ мезони ҳисобланади: тез-тез юзаки нафас, нафаснинг альтернатив ритми — кукрак ва қорин типи нафас олишларининг навбатлашиши, асинхрон нафас – қорин мушаклари таранглашиши, абдоминал парадокс — қорин юқори қисмининг инспиратор тортилиши – диафрагма функциясини йўқотишини намоён бўлиши.

Цианоз – ЎНЕ га хос белги. Гипоксемик ЎНЕ да цианоз бошланғич босқичларда, гиперкапникда эса кечроқ босқичларда пайдо бўлади. Одатда цианоз артериал қоннинг қислородга тўйиниши 90% дан камайганда пайдо бўлган (Авдеев С.Н. 2005 г., Varvinski A.M. 2000 г.).

Гиперкапния симптомлари — тери қопламаларининг қизариши, бош оғриғи, уйқу ритмининг бузилиши, хушнинг қаранглиғи, яккол терлаш, мушаклар тебраниши, қурув нерви дисқларининг шишиши, склеранинг қизариши (Окороков А.Н. 2000 г.).

Рухий статус – ваҳима, психомотор қузғалувчанлик, тормозланиш. Клиник баҳоланган ва ЎНЕ шакли ва босқичига боғлиқ бўлган қўзни очиш, ҳаракат реакцияси, нутқ пайдо бўлиши Глазго шкаласи бўйича 3 дан 15 гача бўлган хушнинг даражасини интеграл баҳоловчиси ҳисобланган.

II- БОБ

2.1. Текшириш материаллари

Катта ва гигант вентрал чурралар операциясидан кейин келиб чиккан ЎНЕ бўлган беморларда текшириш ўтказилди.

Текшириш учун 2011-2013 йилларда СамМИ клиникаси Хирургия бўлимида катта ва гигант вентрал чурра операцияси ўтказилган 68 бемор олинди. Беморларни текширишга киритиш учун операциядан кейинги даврда юзага келган ўткир нафас етишмовчилиги асосий мезон килиб олинди. Спирометрия ва кардиоманитор натижалари асосида беморлар куйидаги 2 та гуруҳга ажратилди: 1- асосий гуруҳга 38 та бемор киритилди. Уларда ЎНВ кулланилди. 2- назорат гуруҳга 30 та бемор киритилди ва бурын катетери оркали кислород берилди. Ўпкалар ноинвазив вентилиациясини ўтказиш мезонлари килиб куйидагилар олинди: $SpO_2 < 88 \%$; нафас хажми < 490 мл, $Vt < 4$ мл/кг, $RR > 25$ та/мин.

Хамма беморлар тўлиқ клиник-диагностик текширувлардан ўтказилди, эҳтиёж бўлса параклиник ва биохимик текширишлардан ўтказилди. Мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, шошилиш ва режали ЎНВ ўтказиладиган барча беморларда тайёргарлик ўтказилди. Клиник баҳоланди, ЎНЕ нинг асосий механизмлари аниқланди, марказий гемодинамика ва ташқи нафас функцияси кўрсаткичлари ўрганилди, катта ва гигант вентрал чурралар оператив даволсидан кейин пайдо бўладиган ЎНЕ ни даволашда ЎНВ имкониятини ўргандик ва баҳоладик. ЎНВ ўтказишдан олдин ва кейин кузатилди. ЎНВ ўтказиш учун барча кўрсатма ва қарши кўрсатмалар ҳисобга олинди, хавф гуруҳлари ўрганилди. Шунингдек, беморнинг анамнези, ёши, чурра катта кичиклиги, нафас йўллари ва ўпкадаги касалликлар ўрганилди. Синчковлик билан ҳаётий муҳим органларни, овқат ҳазм қилиш тизими назоратдан ўтказилди. Беморлар ЎНВ ўтказишдан 30-40 минут олдин премедикация мақсадида димедрол (0,2мг/кг) ва атропин (0,01мг/кг) қилинди. Агар беморларда нафас йўлларида касалликлар аниқланса, касаллар 3-5 кун давомида даво

муолажалари олиб борилди. Шошилиш ҳолатлари эса, ЎНВ ўтказиш учун 5 минут олдин вена ичига премедикация ўтказилди. Режали равишда тайёрланган беморларга инфузион терапия ўтказилди. Вена ичига глюкоза тузли эритмаси 8-10 мл/кг юборилди. Беморларнинг умумий аҳволини фон касалликларини ҳисобга олиб инфузия мақсадида 5% 500 мл глюкоза, 0,9% 500 мл натрий хлорид, стабизол 500 мл, рефортан 500 мл эритмаларидан фойдаланилди. Шунингдек, беморларда ЎНВ ўтказишдан олдин, ўтказиш вақтида ва ўтказишдан кейин марказий гемодинамика ва ташқи нафас функцияси кўрсаткичлари ўзгаришлари эътиборга олинган ҳолда беморни операция стол горизонтал ётқизилди. Беморнинг боши орқага букилган ҳолда юзининг ўлчами ва пропорциялари махсус чизикди контур билан аниқланиб, индивидуал назал ва оро-назал ниқоб танланди. Ниқоб типини танлашда қуйидагилар инобатга олинади: вентилизациянинг тахминий давомийлиги, ЎНВ инциациясининг ургентлик даражаси, беморнинг бурундан нафас ола олиши, оғиз ёриғини герметиклигини таъминлай олиш, юз нуқсонлари мавжудлиги, кўз конъюнктивасининг таъсирланиши, беморнинг безовталаниши, ниқоблар маҳкамланган соҳаларда трофик бузилишлар мавжудлиги кузатилиб борилади. Агар шундай ҳолат кузатилса. Янги соҳага маҳкамланади. Шунингдек, бурун белининг эрозиясини олдини олиш учун ўша соҳага спейсер-енгил таглик қўйиш керак. Қўйиб бўлингандан кейин анестетиклар ва наркотиклар вена ичига кам миқдорда қилиниб. Таъсири бошлангандан кейин беморга ЎНВ ўтказиш имкони берилади. Агар беморда ниқобнинг ноқулайлиги ёки ваҳима уйғотганда психо-эмоционал зўриқишни олдини олиш учун ЎНВ ўтказишдан олдин вена ичига 50 мг кетамин ёки сибазон 0,07-0,15 мг/кг юборилади. Бунинг натижасида ниқобнинг ўрнатиш осонлашади. ЎНВ ўтказиш аппарат “Vela” орқали осон ўтказилди. Юқорида бажарилган ишлар мулоҳазаси III бобда келтирилган.

Текширишга олинган беморларни касаллик тури, жинси ва ёшига қараб ажратилганда 2.1- жадвалга келтирилган натижалар олинди.

Жадвал № 2.1

Беморларни касаллик тури, жинси ва ёшига қараб ажратилиши

	Эркак	Аёл	Жами
Жинси	21 (30,6%)	47(69,4%)	68(100%)
Катта чурралар	17(25,8%)	40(59,6%)	57(84%)
Гигант чурралар	3(4,8%)	8(11,2%)	11(16%)
Ёши ($M \pm \sigma$)	46,7 $\pm$ 6,4	52,7 $\pm$ 7,1	49,7 $\pm$ 6,8

Катта ва гигант чурралар 30 ёшдан 76 ёшгача бўлган ораликда кузатилди. Ёшга кўра гурухлар таркиби бир хил (жадвал №2.2).


Жадвал № 2.2

БЕМОЛЛАРНИ ЁШИГА КЎРА ТАКСИМЛАНИШИ

Беморлар ёши	1 гурух (n=38)	2 гурух (n=30)
30-45 ёш	9(23,7%)	6(20%)
46-60 ёш	21(55,26%)	15(50%)
61-76 ёш	8(21%)	9(30%)

Расм № 2.1

БЕМОЛЛАРНИ ЁШИГА КЎРА ТАҚСИМЛАНИШИ




68 беморнинг 47 таси (69,4%) аёл ва 21 таси (30,6%) эркакдан иборат. Гурухларнинг жинсий таркиби нисбатан бир хил (жадвал № 2.3).

Жадвал № 2.3

БЕМОРЛАРНИ ЖИНСИГА КЎРА ТАКСИМЛАНИШИ

ГУРУХЛАР	Аёллар	Эркаклар
1 гурух (n=38)	28(73,7%)	10(26,3%)
2 гурухи (n=30)	19(63,3%)	11(36,7%)

Расм № 2.2




Жадвал № 2.4

БЕМОРЛАРНИ ЯШАШ ЖОЙИГА КЎРА ТАКСИМЛАНИШИ

	Шахардан	Кишлокдан
1- гурух (n=38)	22(57,9%)	16(42,1%)
2 - гурухи (n=30)	20(66,7%)	10(33,7%)

Текширилган беморлардан 42 таси шаҳар шароитида, қолган 26 таси эса қишлоқ шароитида яшаган. Жадвалдан кўриниб турибдики, беморларнинг аксариятини шаҳарликлар ташкил қилади, бу асосан шаҳардаги экологиянинг ўзгариши, овқатланишнинг узига хослиги билан боғлиқ. (жадвал 2.4).

Беморларни яшаш жойига кура таксимланиши



Текширишга қуйидагилар киритилмаган:

- гемодинамик бузилишлар (гипотензия – сис. АКБ 90 мм.сис.усдан кам булмаган, юрак ритмининг гемодинамик аҳамиятли бузилишлари, инотроп қўллаб кувватлаш);
- нафас йуллари утказувчанлигини таъминлаш имкони йуклиги (юкори нафас йуллари обструкцияси, трахеобронхеал дарахтни адекват дренажини таъминлаш имкони йуклиги- йутал рефлексини йуклиги ёки балгамни чиқара олмаслик);
- никобни фиксациялаш имкони йуклиги,
- хушнинг бузилиши (Глазго комалар шкаласи буйича 14 баллгача), яккол психотомор кузгалувчанлик, беморнинг тиббий ходим билан ҳамкорлик килолмаслиги;
- аспирациянинг юкори хавфи (кунгил айланиш ва тез-тез қусиш);
- СЎВ қатъий режимларини талаб қиладиган оғир нафас етишмовчилиги.

II.2. Текшириш усуллари

Вентрал чурралар операциясидан кейинги ўткир нафас етишмовчилиги бўлган беморларни текшириш шикояти анамнез йиғиш, клиник ва инструментал текширишларни ўз ичига олади. Анамнез йиғишда асосий касалликка эътибор қаратиш керак.

Анамнез йиғишда қуйидагиларни аниқлаштириб олиш лозим: тинч ҳолатда хансирашнинг ошиш даражаси, тахикардия ва аритмия, нафас олиш сони (НОС) 25-30 дан ошиши, нафас олишда ёрдамчи мушаклар иштироки, цианоз, хушнинг бузилиши, бу белгилар қачон пайдо бўлганлиги, ҳозиргача бўлган даврда қандай кечганлигини, ўткир нафас етишмовчилиги (ЎНЕ) га олиб келувчи юрак-қон томир етишмовчилиги (ЮКТТ), ўпка ёки бошқа орган ва тизимларда ўзгаришлар бор йуқлиги, аввал ўтказилган даволаш муолажалари эффективлигини, касаллик белгиларини врачга мурожат қилгунча бўлган даврда кечиш характерини, беморни зарарли одатлари бор-йуқлиги, шу вақтгача бўлган даврда қандай касалликлар билан хасталанганлиги ва оилавий анамнези ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Клиник курик вақтида беморнинг умумий аҳволи қониқарлидан, ута оғиргача бўлиши мумкин. Эс-хуши хиралашган, хушсиз, гипоксик энцефалопатия ҳолатидан то комагача бўлади. Тери қопламаси оқимтир, гиперемиялашган АГ билан кечганда, цианотик. Нафас аъзоларида дағал ва сусайган везикуляр нафас, нам хириллашлар, баъзида қурук хириллашлар ҳам қушилади. Гемодинамик ўзгаришлар ҳамда, ташки нафас қурсаткичлари текширилганда ЮКС ошиши, АКБ пасайиши, УАКБ пасайиши, ўпка тириклик сигимининг камайиши, нафас сонининг ошиши, гипоксемия ($\text{SaO}_2 \leq 88\%$) каби қурсаткичлар аниқланади.

Биз текширув олиб борган барча беморларда умумий клиник, функционал текширувлар, терапевт, невропатолог қўриқлари ва тўлиқ клинικο-биохимик таҳлиллар ўтказилди.

Лаборатор ва функционал текширувлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Лаборатор текширишлар: умумий қон ва сийдик таҳлили, қон гуруҳи резус омилини аниқлаш, қоннинг биохимик таҳлили, ПТИ, ПТВ

2. Умумий клиник текширишлар, мутахассислар терапевт, невропатолог куриги

3. Функционал текшириш усуллари: ЭКГ, пульсоксиметрия (SpO_2) кузатиш, қорин бушлиги аъзолари УТТ си, рентген текшириш усуллари, ЭхоЭГ, МАР, спирометрия

Умумий қон таҳлилида: қонда гемоглобин, лейкоцитлар, эритроцитлар, тромбоцитлар, ЭЧТ, қон гуруҳи, резус омил ва бошқалар аниқланди.

Умумий сийдик таҳлилида: сийдикни ранги, тиниқлиги, кислоталилиги, зичлиги, оқсил миқдори, эритроцит, лейкоцит, эпителий, цилиндрлар миқдори аниқланди.

Қон биохимик таҳлилида: АсАТ, АлАТ, билирубин, креатинин, мочевино миқдори аниқланди.

Протромбин вакти (ПТВ) ва индексини аниқлаш - протромбин вакти фаол туқима тромбопластини қушилганда рекалцинацияланган цитратли плазманинг ивиш вакти бўлиб, нормада 12 – 15 с. ни ташкил қилади. Тромбопластинлар айрим сериялари фаоллигида ўзгариш бўлишига қараб протромбин индексида (ПТИ) ўзгаришлар юзага келади. Буни қуйидаги формула ёрдамида аниқланади : $A/B \times 100$

А – донор протромбин вакти

Б – текширилувчи шахс протромбини вакти.

Бу курсаткич нормада 80 – 100 % ни ташкил қилади.

Таҳлил олиб борилган беморларда ПТВнинг ҳар хил давомийликлардаги узайганлиги ва ПТИнинг турлича фоиз кўрсаткичлари аниқланди.

Мутахассислар кўриги:

Терапевт: эпигастрал соҳада оғриқ, умумий холсизлик, иштаҳасизлик, юрак тез уруши. Юрак соҳасида ноҳуш сезги, оғриқ, қорин дам бўлиши, кўнгил айнаши, қайт қилиш, сийдик ажралишининг камайишига шикоят килади.

Невропатолог: неврологик симптомлардан энг кўп кузатилгани бош оғриғи, кўришнинг пасайиши, кўз олдининг қоронғулашиши, қулоқларда шовқин, умумий холсизлик, бош айланиши, уйқучанлик ёки уйқунинг бузилиши, эшитишнинг пасайиши ва б.

Функционал текшириш:

ЭКГ да юрак-қон томир патологиясига қараб миокарднинг қорин ва бўлмачаларининг гипертрофияси, метоболик ўзгаришлар, гипоксия, юрак ритмининг турли кўринишдаги бузилишлари ва б. ҳолатлар аниқланди. ЭКГ ёрдамида катта ва гигант вентрал чурраси бўлган беморларни юрак фаолиятининг умумий ҳолати ЭКГ – МОНИТОР ЭКЗТ-01-“р-Д” маркали аппарат ёрдамида амалга оширилди.

УТТ Aloka ECHO CAMARA ssd-630 маркали аппарат ёрдамида амалга оширилди. Ички органлар УТТ да (жигар, талок, буйрақлар) уларнинг ҳажми, паренхимасининг эхо-структураси, ички структурасининг ҳажмлари, шунингдек яллиғланишнинг эхо-белгилари аниқланди.

ЭхоКГ ACCUVIXXQ medison аппарати билан текширилди.

ЭхоКГ ультратовуш орқали текширишга асосланган текшириш усули бўлиб, ЮҚТТ касалликларида юракнинг структуравий тузилиши ҳамда физиологияси ҳақида тўлиқ маълумот берувчи ноинвазив текширув усулидир. ЭхоКГ ёрдамида қуйидагилар аниқланади:

- юрак бўшлиқлари ҳажмини ва миокард қалинлигини.
